# М. С. ГОРБАЧЕВ ДОКЛАДИ

(Давоми. Боши 1- ва 2-бетларда).

Одамлар билан ишлаш учун жуда катта майдон мавжуд бўлиб тураверади. Коллектив ичидаги муносабатларни, коллектив билан жамият, турли социал группалар ўртасидаги муносабатларни уйғунлаштириш, улар ўртасидаги манфаатларни бирга қўшиб олиб бориш шулар жумласидандир. Ана шу масалалар ва бошқа масалалар партия ташкилотларининг диққат марказида бўлиши керак.

Хўжалик ташкилотлари республика ва маҳаллий ҳокимият органларининг хўжалик мустақиллиги кескин ортиб кетган ҳозирги вақтда партия ташкилотлари ўзлари кўп йиллардан буён шуғулланиб келган ишдан, яъни корхоналар, маҳаллий Советлар раҳбарларининг ўрнини босишдан қатъият билан воз кечишлари керак.

Бевосита директивалар ва кўрсатмалар беришдан экономикага сиёсий таъсир ўтказиш системасига, яъни коллективда ташкилотчилик ва мафкуравий иш орқали, иқтисодий манфаатлар орқали, маънавий қадриятлар ва одамларнинг психологияси орқали таъсир ўтказишга ва экономика соҳасида ишлаётган барча коммунистлар, аввало, раҳбар кадрлар орқали таъсир ўтказишга изчиллик билан ўтиш лозим бўлади.

**Партия идеология фаолиятининг янги концепцияси** янги ижтимоий шароитларга, омманинг янги тажрибасига, замонавий ижтимоий онгнинг замонавий характери ва даражасига мос бўлиши керак. Бу концепцияни ишлаб чиқиш ва амалда рўёбга чиқариш экономикадаги, социал соҳадаги сингари мураккаб ва оғир масаладир ва эҳтимолки, яна ҳам оғирроқ масаладир. Чунки бу ўринда гап онг ҳақида бормоқда. Партиянинг ғоявий назарий иши воқеаларнинг эҳтимол тутилган ривожланишидан илдамроқ, илгарилаб бориши керак.

Партия структураларининг уларга хос бўлмаган ишлардан ҳоли бўлиши, ниҳоят, идеология ишини партия фаолиятининг энг муҳим йўналишига айлантиришга имкон беради. Шахсга сиғиниш ва турғунлик йилларида марксча-ленинча идеологиянинг мазмуни, партия идеология фаолиятини ташкил этиш принциплари, восита ва методлари анча айниб кетганлигини кўрмаслик мумкин эмас. Идеологияни бир лаҳзали манфаатларга мослаштирдилар, уни кундалик ишларнинг хизматкорига айлантирдилар. Идеологиядан инқилобий танқидий моҳият ситиб чиқарилди, янгилаш ва ишонтириш вазифаси пасайтирилди, уни кўп жиҳатдан оммадан ажратиб қўйдилар, кабинетлар ва тўгаракларга суриб қўйдилар. Буларнинг ҳаммаси Ленин ҳаёт вақтида партия асос солган большевизм анъаналарига тубдан зиддир.

Шуни рўй-рост айтиш керакки, омма ўртасидаги назарий, мафкуравий ишнинг сусайиши партия фаолиятининг умумий сусайишига олиб келди.

Жамият туб ўзгаришлар йўлига ўтган ҳозирги туб бурилиш чоғида бу яна ҳам яққолроқ ва алоҳида мушкулликлар билан намоён бўлди. Ақидага айланган мафкуравий иш қайта қуриш синовидан ўта олмади.

Гарчи қайта қуришга омилларни ҳаётнинг ўзи бахш этган бўлса ҳам қайта қуриш амалда идеология соҳасида, идеологиядаги тангликни бартараф этишдан бошланди десам, сиз, ўртоқлар, бунга қўшиласизлар, деб ўйлайман. Ўтган давр мобайнида нима ишлар қилинди-ю, қайси ишлар рўёбга чиқмаганни ҳақида ҳозир баҳс қилиш мумкин. Аммо шу нарса равшанки, партия янгиланишнинг назарияси ва идеологияси соҳасида қилган иш бўлмаса, қайта қуришнинг ўзи ҳам нореал бўлур эди, уни тасаввур ҳам қилиб бўлмас эди.

Биз — мен бу ўринда сира муболаға қилаётганим йўқ, деб ўйлайман — ўзимиз яшаётган ҳозирги дунё ва совет жамияти тараққиётининг илгариги босқичларини идрок этишда жуда муҳим, кенг кўламли назарий умумлашмалар ва хулосалар чиқардик. Менга қолса, назария ва идеология соҳасида ўзига хос ёриб ўтиш бошланди, деган бўлур эдим. Лекин биз кенг фронт бўйлаб ҳужум қилиш учун ҳали ана шу забткорликдан чинакамига фойдаланганимиз йўқ. Фаолиятнинг ана шу йўналишидаги қолоқликни коммунистларгина эмас, бутун жамият ҳам ўткир сезиб турибди.

Дарҳақиқат, биз фундаментал масалаларга жавоб топишимиз керак. Биз ўзимиз кўзлаётган жамиятни қандай тасаввур этмоқдамиз? Нимадан воз кечамиз, нимани мерос қилиб олиб, қайта қуриш орқали социализмнинг сифат жиҳатдан янги ҳолатига эришиш учун фойдаланамиз? Шу ҳақда гапирадиган бўлсак, ҳозир бу жамиятнинг умумий қиёфасигина тасвирлаб берилган. Революцион ўзгартишлар учун бўлажак жамият ҳаётининг барча жиҳатларини қамраб оладиган кўламли концепция зарур.

Назариётчилар, жамиятшунослар ўртасидагина эмас, зиёлиларнинг кенг доираларида, партияда, жамиятда ана шу муаммоларга қизиқиш ортиб бормоқда, шу муаммоларни уқиб олиш эҳтиёжи жуда сезилиб турибди. Бу йўналишдаги қолоқликни, пайдо бўлаётган бўшлиқни дарҳол, кўпинча илм-фан ва меҳнаткашларнинг туб манфаатларидан жуда олисда бўлган турлича ривоятлар, ғоялар ва концепциялар эгалламоқда.

Мафкуравий тафаккурни фақат ўтмишни танқидий таҳлил этиш билан чеклашга интилиш ҳам кўзга чалинмоқда. Агар биз шунчаки қизиқиш ва ўзимизни ўзимиз фош этишга интилишга маҳлиё бўлиб қолмасдан, аввало, сабоқ чиқариб олишни истасаккина — сабоқ чиқариб олиш эса бизга ҳозирги даврни идрок этиш учун ва энг асосийси келажакка йўл очиш учун зарур — худди шу тақдирдагина ўтмишни таҳлил этишнинг маъноси бўлади.

Бугунги ўй-ташвишларимиз нечоғлик ўткир бўлмасин, биз принципиал йўл кўрсаткичларни бир лаҳза ҳам назардан қочирмаслигимиз керак, назарияга, ижтимоий фикр тараққиётига қай йўсинда бўлмасин менсимасдан қарашга йўл қўйишга ҳаққимиз йўқ. Жамиятнинг сифат жиҳатдан янги ҳолатини таърифлаш учун айрим асосий дастлабки позицияларимиз аста-секин таркиб топмоқда ҳамда илмий ва жамоатчилик доираларида муайян тарзда тан олинмоқда.

Бу ўринда гап бу жамият эркин кишилар жамияти эканлиги, инсонпарварлик, социалистик демократия ва социал адолат принциплари пойдеворлари устига қуриладиган меҳнат кишиси жамияти ва меҳнат кишисига аталган жамият бўлиши лозимлиги хусусида бормоқда.

Бу ижтимоий мулкчиликнинг турли-туман формаларига асосланган, одамга хўжайинликни адо этадиган ҳамда ташаббус ва қобилиятларни намоён этиш учун чексиз имкониятлар берадиган жамиятдир. Иқтисодий тараққиёт эса иқтисодий марказнинг мувофиқлаштирувчи роли воситасида ўз-ўзини тартибга солиб туришга асосланади.

Бу халқнинг тўла ҳокимиятини, инсоннинг тўла ҳуқуқларини таъминлайдиган, совет демократиясининг энг яхши анъаналарини ва инсоният демократик тараққиётининг тажрибасини ўзида мужассамлаштирган жамиятдир.

Бу барча миллатлар ва халқларнинг реал тенг ҳуқуқлилиги рўёбга чиққан, ана шу миллатлар ва элатларнинг ҳар томонлама равнақи учун, совет федерацияси доирасида миллатлараро муносабатларни уйғунлаштириш учун барча шароитларни яратадиган жамиятдир.

Бу маънавий ҳаёти бой, маданияти ва ахлоқи юксак бўлган жамиятдир. Бу истеъдодларнинг рўёбга чиқиши, ҳар бир шахс ўз фикр-ўйини эркин ифодалаши учун кенг имкониятлар яратилган ва бу имкониятлар амалга ошаётган жамиятдир.

Бу атрофдаги дунёга пешвоз чиқаётган, ўз йўлини эркин танлаб олишга, тенг ҳуқуқлиликка, хавфсизликка ва умуминсоний қадриятларга асосланган янги халқаро муносабатларни бунёд этиш манфаатлари йўлида ҳамкорликка шай бўлиб турган жамиятдир.

Такрор айтаманки, булар жиддий тарзда, конкрет ишлаб чиқишга муҳтож бўлган умумий чизгилардир, холос. Ҳозир бу биз учун ҳаётий муҳим бўлиб турибди. Назариянинг умумий масалаларини уқиб олмас эканмиз, ижтимоий практиканинг конкрет масалаларини ҳам муваффақиятли ҳал эта олмаймиз. Нуқсон ва хатоларга йўл қўйишимиз мумкин.

Бу борада жамиятшуносларимиз фаолияти учун кенг майдон бор. Аммо, ҳозир ижтимоий фанлар соҳасидаги ишларнинг аҳволи бизни ташвишлантирмоқда. Шуни рўй-рост айтиш керакки, жамиятшуносларимиз танг аҳволдан назарий фаолиятнинг янги босқичига қийинчилик билан чиқмоқдалар. Мен ана шу йўлдаги дастлабки қадамларни ҳар жиҳатдан қутлашни истар эдим. Бу ўринда ижтимоий фанлар бўйича янги дарсликлар яратиш учун иш авж олиб кетганини ҳам, СССР Фанлар академиясидаги мунозаралар мунтазам тус олиб бораётганини ҳам назарда тутмоқдаман. Жамиятшунос олимларимизнинг назарий журналлардаги бир қанча жиддий мақолалари ҳам эътиборга сазовор бўлди, деб ўйлайман. Аммо буларнинг ҳаммаси ҳозирча эҳтиёжларимизга ҳали сира мос эмас.

Партиянинг идеология жабҳасидаги ишининг яна бир муҳим томони бор, ўртоқлар. Мен ҳаёт реалликларига, зиммамизда турган вазифаларга, қайта қуриш мақсадларига мос тарзда ижтимоий онгни шакллантириш юзасидан идеология кадрлари, барча партия ташкилотларининг амалий ишини назарда тутмоқдаман. Бу ўринда ҳам қайта қуриш жуда қийинчилик билан ва суст бормоқда. Бу кўп жиҳатдан идеология ходимларимиз, раҳбар кадрларнинг бир қисми ҳали ҳам ўтмишга ўралашиб қолгани, эски бисотидан, ишнинг эндиликда натижа бермаётган, ёшини яшаб бўлган шакллари ва методларидан фойдаланаётгани билан боғлиқдир. Бу сайлов кампанияси чоғида яққол кўринди. Ўшанда идеология аппарати кўп жиҳатдан карахт, баъзи ҳолларда эса фалаж бўлиб қолди.

Кенг кўламдаги, демократизм одамларнинг ижтимоий фаоллиги, фикрларнинг хилма-хиллиги хос бўлган янги сиёсий вазиятда ҳам идеология аппарати эски методлар, директивалар асосида ҳаракат қилишга уринмоқда. Эски методлар энди иш бермаётганлиги кўриниб қолганида эса идеология ходимларининг ҳафсаласи пир бўлиб, ваҳима кўтармоқдалар, умумсиёсий жараёнларни рўкач қилмоқдалар, айни вақтда мамлакатда содир бўлаётган воқеаларга баҳо беришда баъзан танқидбозлик ва инкор этишга йўл қўймоқдалар.

Хуллас, омма билан алоқаларни кучайтириш, қайта қуришнинг барча долзарб муаммолари хусусида жонли мулоқотларни авж олдириш негизида, партия идеология фаолиятида жиддий ўзгаришлар зарурлигини биз чуқур англаб етишимиз керак. Одамлар буни кутиб турибди ва ҳозир ўзлари жойларда партия ташкилотларидан кўпгина саволларга жавоблар олишмаётганини дангал айтишмоқда.

Оммавий ахборот воситаларининг жуда катта роли ҳақида айтиб ўтмоқчи эдим. Бир вақтлар В. И. Ленин «Искра»ни партиянинг ўзи бунёд этиладиган қурилиш ҳавозалари деб атаган эди. Ҳозир давр бошқа. Аммо Лениннинг матбуотнинг бунёдкорлик роли ҳақидаги фикри ҳозир ҳам актуалдир. В. И. Ленин мулоҳазасининг тўғрилиги, теранлиги ва асосланганлигини биз ўз тажрибамиздан кўриб, ишонч ҳосил қилдик.

Кейинги йилларда матбуотимиз партиянинг қайта қуриш сиёсатини қўллаб-қувватлаш, уни кенг халқ оммасининг мулкига айлантириш учун кўп иш қилди. Бизнинг матбуотимиз совет жамиятини демократиялашни, ошкораликни, одамларнинг ижтимоий ташаббускорлигини ривожлантиришда, янгиланиш йўлидаги ҳаракатимизга халақит бераётган барча нарсаларга қарши курашда ғоят катта роль ўйнади ва ўйнамоқда. Шунга қарамай, бу гап матбуотимизда ҳамма нарса кўнгилдагидек ва унинг муаммолари йўқ, деган маънони билдирмайди. Ҳозир биз матбуотимизнинг заиф жиҳатларини, турмушнинг янги шаклларини ўзлаштиришдан иборат мураккаб ва қийин ишни ёритишда билимдонликнинг етишмаслигини ўткир сезиб турибмиз. Оммавий ахборот воситаларимизга амалий жиҳат ҳам етишмаяпти деган бўлур эдим. Ваҳолонки, бизда бу ҳақда ҳозиргача неча марталаб гап борган эди.

Бунда бизнинг умумий камчиликларимиз ҳам таъсир қиляпти деса бўлади: иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларни амалга оширишда, партиянинг ўз фаолияти шакллари ва усулларини янгилашда ғоялар ҳам, конкрет тажриба ҳам етишмаяпти. Мана шу масалаларнинг ҳаммасини матбуот олдига, оммавий ахборот воситаларида ишлаётган коммунистлар олдига, айниқса ўткир қилиб қўйишимиз керак. Одамлар партия, совет, хўжалик органларидан, кадрларимиздан амалий ҳаракатларни кутмоқдалар. Ҳозир матбуотимиз материалларининг мазмунини ва йўналишини шу нарса белгилаб бериши лозим. Айтишим мумкинки, оммавий ахборот воситаларининг ишидаги ижобий асосларни кўпайтира бориб, кучлироқ, пухтароқ ҳаракат қилиш керак.

Ушбу кенгашда партия ходимларини ҳам, матбуотни ҳам, жамиятимизни ҳам қизиқтираётган жуда муҳим бир масалани аниқлаб олиш керак. Бу — учта асосий нарса: жамият—партия — матбуот ўртасидаги ўзаро муносабатлар масаласидир.

Жаҳон тараққиётининг бутун тажрибаси, ҳозирги тажриба эса, айниқса шуни кўрсатмоқдаки, матбуот — мана шу қудратли социал ташкилот ҳеч қачон ва ҳеч қаерда жамиятдан мустақил бўлиши мумкин эмас. Ленин матбуот ҳамиша партиявийдир, деб ҳақ гапни айтган эди. Матбуот ҳамиша бирон-бир социал кучларнинг манфаатларини ифода этади. Бу гап бизнинг жамиятимизга ҳам, биз яшаб турган даврга ҳам тўла-тўкис таллуқлидир.

Идора қилувчи партия, жамиятнинг сиёсий авангарди бўлмиш КПСС матбуот ҳамиша халқ манфаатларига, социализм ишига, инсонпарварлик принципига энг яхши хизмат қилиши учун ҳамма ишни қилиб келди ва бундан буён ҳам қилаверади. Албатта, бу ишлар биз тарихимизнинг ҳозирги масъулиятли босқичида ҳал этаётган реал вазифаларга мувофиқ бажарилади. Бу — матбуотни партиядан ажратиб қўйишни истаётган кимсаларга бизнинг жавобимиздир. Принципиал масалаларда ён босишларнинг бўлиши мумкин эмас. Матбуотнинг йўналишини белгилаб бериши лозим бўлган сиёсий йўл ва асосий мақсадлар бор. Бошқа ҳолларда эса у ёки бу матбуот органида, нашрда, редакцияда ишловчи коммунистлар билан партиясизлар тўла ижодий эркинликка, муаммоларни ўртага қўйишда, ўз позициясини қаттиқ туриб ҳимоя қилишда тўла ҳуқуққа эга бўлишлари, умуман ижодкорлик ва масъулият билан иш кўришлари керак. Бизда нашрларга одатда партия аъзолари бошчилик қилишади, қолаверса журналистларнинг анчагина қисми ҳам коммунистлардир.

Шундай бўлсада, партия комитетлари журналистларни ғоявий жиҳатдан йўналтириш ҳамда уларга ёрдам ва мадад бериш учун ҳамма ишларни қилаётирларми ёки йўқлигини назардан қочирмаслик керак, бу эса талабчанликни ҳам ўз ичига олиши табиий. Бизда жамоат контроли ва танқид учун ёпиқ зоналар йўқ. Бу гап оммавий ахборот воситаларига ҳам батамом тааллуқлидир.

Яна шуни айтмоқчиманки, турли лавозимлардаги партия ходимларимиз жамиятда муҳокама этилаётган бирон-бир долзарб масалалар хусусида ўзининг нуқтаи назарларини меҳнаткашларга етказиш учун оммавий ахборот воситаларидан дуруст фойдаланмаяптилар. Кўпинча ҳосил бўлиб қолаётган бўшлиқлар ҳамиша ҳам яхши сифатли материал билан тўлдирилмаяпти. Бунда партия кадрлари ташаббус кўрсатишлари керак. Тўғри, айрим матбуот органлари фикри редакциянинг позициясига мос келмайдиган авторларнинг мақолаларини эълон қилишдан бош тортаётганлиги тўғрисидаги ахборот Марказий Комитетга келиб турибди. Матбуот ходимларига шуни эслатмоқчиманки, фикрларнинг хилма-хиллиги фикрлашувни, қарашларнинг қиёсланишини, мунозарани тақозо этади, бунда шахсий хайрихоҳлик ва меҳр қўйишга қараб эмас, балки принципиал мулоҳазаларга қараб иш тутиш керак.

Партия, давлатнинг, жамоат ташкилотларининг оммавий ахборот воситалари билан муносабатлари тўғрисида айтилган гапларнинг ҳаммаси бизни матбуот тўғрисида қонун қабул қилиш зарур деган фикрга яна бир бор олиб келади. Менга маълум бўлишича, шу қонун лойиҳаси яқин вақт ичида СССР Олий Советида кўриб чиқилади.

### Энди партия ички турмуши масалалари тўғрисида

Бундан тўрт йил муқаддам партия демократия поғоналарига кўтарилишдек машаққатли ишни бошлаб, ўз йўлини танлаб олган эди. Биз хато қилганимиз йўқ, кейинчалик эса партия турмушининг бутун тарзини демократиялаш — унда йиғилиб қолган иллатларга қарши жуда кучли восита, деган фикр яна ҳам кўпроқ мустаҳкамланди.

Аммо партия турмушини демократиялаш — унинг ички ишигина эмас, шундай жараёнсиз умуман жамиятни қайта қуриб бўлмайди, социалистик ҳуқуқий давлатни, чинакам граждан жамиятини барпо этишнинг иложи йўқ. Партия фақат демократик асослардагина ўз сиёсатида аҳоли турли табақалари ва группаларининг жуда хилма-хил муддаоларини бирлаштиришга, уларни умумхалқ мақсадлари ва манфаатлари теварагида жипслаштиришга, мамлакатда умуммиллий тотувликни таъминлашга қодирдир. Бир партияли системамиз хусусиятларини эътиборга олганда бу айниқса муҳимдир.

Партияни ниҳоятда қаттиқ тузилган, директиваларни чиқариб юқоридан қуйига «тушириб» турадиган, барча жамоат ишларига танҳо қўмондонлик қиладиган иерархия ташкилоти деб қарашни тезроқ бартараф этиш — партияни изчил ва чуқур демократиялашнинг зарур шартидир. Гап ўзини ўзи бошқарадиган ижтимоий-сиёсий ташкилот бўлмиш партиянинг демократик табиатини батамом қайта тиклаш тўғрисида боряпти.

Партия ҳозир шу нуқтаи назар остида ўзи билан жиддий шуғулланиши, ўзининг барча бўғинлари ишига қатъий баҳо бериши, партия комитетларининг, ўз кадрларининг, барча коммунистларнинг фаолиятини ўзи танқидий руҳда текшириб, ўз сафларини жипслаштириши ва ички партия турмушини, бутун фаолиятини кучайтириши шарт.

Шу вазифани ҳал этувчи калити — бошланғич партия ташкилотларининг жамиятда вужудга келган ҳозирги вазиятга, муаммоларнинг ўткирлигига, одамларнинг талаб-эҳтиёжлари ва орзу-умидларига мос келадиган тўлақонли турмушидир. Ўртоқлар, жамиятнинг ҳамма томонида эҳтирослар жўш уриб, фикрлар тўқнашаётган, митинглар авж олиб кетган ҳозирги пайтда кўпгина партия ташкилотларида ҳамма нарса силлиқ ва осойишта эканлигига биз бефарқ қарай олмаймиз. Ленинградда коммунистлар бу ҳақда алам ва ташвиш билан гапирдилар. Улар ўз эҳтиёжларини қондириш, долзарб масалалар хусусида ўз фикрини билдириш учун ҳар хил мунозара клубларига, митингларга боришмоқда. Бунинг ҳеч қандай айби йўқ, албатта. Бошқа бир нарса ёмон. Улар жамиятни қизиқтираётган ана шу масалаларнинг ҳаммасини ўзларининг партия ташкилотларида муҳокама қила олмасликлари яхши эмас.

Аслини олганда сайлаб қўйиладиган партия органларининг аъзолари ҳам ғоят муҳим муаммолардан четда турибдилар. Ленинград область партия комитетининг пленумида, жумладан, ишчилар коллективларининг вакиллари шу ҳақда гапирдилар. Бу жуда муҳим нарсалардир. Чунки сайлаб қўйиладиган органлар составида аксарияти коммунистлар орасида обрў-эътиборга сазовор, жиддий сиёсий тажрибага эга бўлган, бирон иш қилишни, муштарак ишга ўз ҳиссасини қўшишни астойдил истаётган 5 миллион киши бор. Бу органларнинг тузилганига ҳам ҳали бир йил бўлгани йўқ.

Нима учун шундай бўлмоқда? Бу нима — фикрнинг қолоқлигими, янгиликдан, қийин масалалардан чўчишми? Ёки бунда ҳамма нарсаларни кабинетларда, одамларнинг тор доирасида ёхуд юқоридан бериладиган кўрсатмаларга биноан ҳал этишдан иборат эски одатлар таъсир қилмоқдами? Келинг, ўртоқлар, шуларнинг ҳаммасини рўйи рост муҳокама қилайлик. Жамиятга сиёсий руҳ тобора сингиб бораётган чуқур ўзгаришлар босқичида биз партияни шундай ҳолатда асло қолдира олмаймиз.

Олдинда кўпгина бошланғич партия ташкилотларида ҳисобот ва сайловлар турибди, бошқаларида — партия комитетлари ва бюролари иш олиб бораётган бошланғич партия ташкилотларида, шунингдек, район, шаҳар, область ва республика партия ташкилотларида эса ҳисоботлар ўтказилади. Уларни партиявий ўртоқлик мунозараси вазиятида ўтказиш, қайта қуриш вазифаларини таъминлашга доир ишларни атрофлича, партиявий принципиаллик билан таҳлил этиш керак. Шу муносабат билан кадрларга доир етилган масалаларни ҳам ҳал қилиш, раҳбариятга ҳақиқатан ҳам эътиқодли, қайта қуришнинг фаол тарафдорларини, замонавий тарзда фикр юритиб, ҳаракат қила оладиган кишиларни кўтариш лозим. Баъзи жойларда коммунистлар партия ва жамият турмушидаги муаммоларнинг мураккаблигини ҳамда ҳозирги пайтнинг муҳимлигини эътиборга олиб, партия конференцияларини ўтказиш тўғрисидаги таклифни олға сурмоқдалар. Бу устав қоидаларига зид эмас, бинобарин, уларни ўтказишда тўсқинлик вужудга келмайди.

Ҳозир жуда ўткир тус олган ва ойдинлаштиришни талаб этаётган яна бир қанча масалаларни кенгашимиз муҳокамасига ҳавола қилмоқчиман.

Фикрлар эркинлиги билан ҳаракатлар бирлигини уйғунлаштириш муаммолари теварагида партияда ҳам, жамиятда ҳам кўп баҳс бормоқда. Коммунистлар бу муаммони демократик асосда ҳал этиш йўлларини изламоқдалар.

Узоқ йиллар мобайнида кўпгина партия ташкилотларида ҳатто энг муҳим масалалар ҳам турли нуқтаи назарларни чуқур кўриб чиқмасдан автомат тарзда, оддий овоз бериш йўли билан ҳал этиб келинди. Бу партия турмушини қашшоқлаштирди, катта хатоларга, ўзбошимчаликка, бир қанча ҳолларда эса бедодликка ҳам йўл қўйилган вазиятни вужудга келтирди. Бундай практикани оқлаб бўлмайди, уни буйруқбозлик-маъмурий системага қулай равишда уйғунлашиб кетганлиги билангина изоҳлаш мумкин, холос. Энди эса биз фикрлар эркинлиги билан ҳаракатлар бирлиги нисбатига, демократизм ва централизмга чинакам ленинча қарашни тиклашимиз лозим.

Амалий мунозаралар вазияти ва партиянинг куч-ғайрати билан жамиятда турли фикрлар муҳокама қилинаётганлиги партия турмушида ҳам муайян мантиқни тақозо этади. Бугун бизга шунчаки хўжакўрсин учун бирлик керак эмас. Бундай бирликнинг ҳозир имкони ҳам йўқ, даркор ҳам эмас. Партияда мунозаралар эркинлиги, партия сиёсати муаммоларини хилма-хил фикрлар асосида муҳокама қилиш эркинлиги, камчиликнинг ўз нуқтаи назарини, шу жумладан, кўпчилик томонидан қабул этилган қарорлар хусусидаги нуқтаи назарини билдириш ҳуқуқи таъминланган, аммо камчиликнинг кўпчиликка бўйсуниши мажбурий бўлган тақдирдагина чинакам бирликка эришиш мумкин.

Қисқа қилиб айтганда, биз партияда ўз позициясини эркин ҳимоя қилиш, муаммоларни муҳокама этиш, нуқтаи назарларни қиёслаш имконини берадиган партиявий ўртоқлик вазиятини вужудга келтириш тўғрисида ғамхўрлик қилишимиз керак. Бироқ, қабул қилинган қарорларни амалда бажариш борасидаги фаол, аҳил биргаликдаги ишнинг таъминланиши тўғрисида ҳам шу қадар жон куйдиришимиз лозим. Униси ҳам, буниси ҳам партия турмуши учун баббаравар даражада муҳимдир. Диалектика мана шундай.

Партия интизоми муаммоси ҳам бу билан узвий боғлиқдир. Жамиятдаги, айниқса, партиядаги интизом бизга ҳаётий зарур эканлиги хусусида ҳеч ким шубҳаланмаса керак деб ўйлайман. Боз устига айтаманки, партияда ҳам, жамиятда ҳам интизомнинг ҳозирги аҳволи ҳаммамизни ташвишлантирмоқда. Бинобарин, биз ишни ўнглаб олиш учун марказда ва жойларда қатъий ҳаракат қилишимиз керак. Лекин интизом қандай таъминланиши керак, деган савол туғилади. Баъзи ўртоқлар ҳозирги мураккаб вазиятда интизомни мустаҳкамлаш зарурлиги тўғрисида фикр юрита туриб айни вақтда «қаттиққўл»га умид боғламоқдалар, аслида «мурватларни қаттиқроқ бурашга» даъват этмоқдалар.

Биз талабчанлик оширилиши тарафдоримиз, аммо бундай ёндашувга қўшилиш мумкин деб ўйламайман. Бу ҳол жамиятимизда рўй бераётган ўзгаришларнинг бутун руҳига хилоф бўлур эди. Бунда партиямиз бутун жамиятга қандай ўрнак кўрсатган бўларди! Бу ҳол буйруқбозлик — маъмурий системасининг занглаб тамом бўлган қисмларини сақлаб қолган, биз тезроқ қутилишимиз лозим бўлган кризис ҳолатини чуқурлаштиришга муқаррар олиб келган бўлур эди. Биз партиявий бурчни юксак даражада ҳис этишга асосланган онгли, ўртоқларча руҳда интизомни мустаҳкамлаш тўғрисидаги масалани қатъият ва эътиқод билан ўртага қўйишимиз лозимлигига ишончимиз комил. Бу нарса топширилган иш учун масъулиятни соқит қилмай, балки, аксинча, уни кучайтиришни назарда тутади. Масалани худди мана шундай ўртага қўйиш, партия ташкилотларида худди мана шундай ҳаракат қилиш керак.

Партияни демократиялаш жараёнида КПССнинг марказий органлари билан иттифоқдош республикаларнинг Компартиялари, маҳаллий партия ташкилотлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг характери тўғрисидаги масала кўндаланг бўлиши муқаррар. Раҳбарликнинг буйруқбозлик-маъмурий усуллари айни авжига чиққан даврда В. И. Лениннинг ҳамма миллат пролетариатининг бирлиги учун кураш «маҳаллий ва область ташкилотларининг автономияси...» билан қўшиб олиб борилиши керак, деган кўрсатмаси ҳақида кўпинча ломмим дейилмас эди.

Бундай сукут сақлаш тасодифий бўлмай, балки турли регионларнинг миллий ҳамда бошқа ўзига хос хусусиятлари етарли даражада эътиборга олинмаган, партиянинг турли миллат меҳнаткашлари билан ишида зарур эпчиллик кўрсатилмаган ўша пайтдаги ҳақиқий практикани акс эттирарди.

Ҳозир, қайта қуриш шароитида биз иттифоқдош республикалар Компартияларига ва маҳаллий партия ташкилотларига кўпроқ мустақиллик берилишига алоқадор муаммолар билан шуғулланишимиз лозим. Биз бир қанча иттифоқдош республикалар Компартиялари томонидан масаланинг шундай қўйилишини қонуний деб ҳисоблаймиз. Бунинг устига ўртоқлар, биз бу масалаларни ҳозирнинг ўзидаёқ, съездни кутиб ўтирмай ҳал этишимиз мумкин. Чунки Уставимиз бунинг учун кенг имкониятлар беради. Партия комитетларининг ташаббусини бўғадиган нарсаларнинг ҳаммасини практикадан чиқариб ташлаб, кўпгина ташкилий, структуравий, штат, молиявий ҳамда бошқа масалаларни ҳал этиш ҳуқуқини ана шу партия комитетларига топшириш керак.

Ҳозирги шароитда жойлардаги раҳбарлар бир оз бўлса-да муҳимроқ ҳар қандай қарорни марказ билан келишиб олишга интилаётганликларига тоқат қилиб бўлмайди. Бу нарса тайёрга айёрлик ва бюрократизмдан бошқа ҳеч нарсани келтириб чиқармайди. Мен етилган муаммоларни ҳал этиш ва марказ билан иттифоқдош республикалар Компартиялари ҳамда маҳаллий партия ташкилотлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни аниқлаш зарурлигини таъкидлай туриб, ўртоқларни партия тузилиши ва ҳаёт фаолияти тўғрисида Лениннинг энг асосий йўл-йўриқларига хилоф бўлган нотўғри фикр-мулоҳазалардан огоҳлантириб қўйишни истар эдим.

Биз федератив давлатимиз асосланаётган принципларимизни партияга кўр-кўрона кўчира олмаймиз — буни барча коммунистлар яхши англашлари керак. В. И. Ленин айтганидек: «Биз партиямизнинг тузилишида... федерацияга **қаршимиз**, биз барча миллат социал-демократлари маҳаллий ташкилотларининг (фақат марказий ташкилотларининг эмас) **бирлигига** тарафдормиз». Бунда мен сиёсий авангард, программавий мақсадларнинг тарғиботчиси, меҳнаткашлар интернационал манфаатларининг асосий ифодачиси сифатида, жамиятни қайта қуриш мақсадлари ва вазифалари теварагида социал жипслаштиришнинг ноёб ва ниҳоятда муҳим омили сифатида партиянинг вазифаси тўғрисидаги асосий фикрни яна бир марта таъкидламоқчиман.

Ўртоқлар, партия фаолиятини қайта идрок этиш, ҳозирги шароитда унинг янги ролини, жумладан турмушни демократиялашни англаш билан боғлиқ мураккаб масалаларнинг бутун комплекси, сиёсий иш усулларини эгаллаш кадрлар қандай ишлаётгани, кадрларга доир сиёсат қандай ўтказилаётганлиги билан ҳал қилувчи даражада боғлиқдир.

Партия ва жамиятдаги чуқур ўзгаришлар билан нишонланган катта-катта воқеаларга бой кейинги йиллар кадрлар ишининг аҳволига ҳам таъсир этди, кадрларимиз составида ҳам, уларнинг иш услубида ҳам жиддий ўзгаришларга олиб келди. Бу йиллар беҳуда ўтгани йўқ, кадрлар билан ишлашга келганда ҳам ҳеч нарса бой берилгани йўқ. Бироқ, партиявийчасига айтиш керакки, иш усулларида ва кадрлар составининг ўзида ҳам қайта қуриш қийинчилик билан ўтмоқда. Бундаги гап у ёки бу ходимлар қайта қуришга қаршилигида, ўзгаришларга қаршилигидагина эмас. Гарчи бундай қаршилар бўлса-да, асосий нарса бу эмас.

Ҳар ҳолда асосий нарса сусткашликнинг, эски одатлар жуда яшовчанлигининг, таркиб топган тасаввурларга муккадан кетилганлигининг кучидадир, ҳаётнинг янгилигини ўзлаштиришдаги қийинчиликлардадир. Ҳаёт эса янгича фикрларни, янгича кўз билан боқишни, иш шаклларини ҳамда усулларини қатъиян қайта қуришни, янги куч-ғайрат сарфлашни талаб қилмоқда. Принцип жиҳатдан яхши бўлган кўпгина коммунистлар, софдил ходимлар учун бу, очиғини айтганда, инсонга хос ачинарли ҳолатдир. Партия комитетларининг ҳам бунга ўйламай-нетмай баҳо беришлари ва бешафқат ҳаракат қилишларига йўл қўйиб бўлмайди. Одамларнинг тақдирини маййиб қилиш ярамайди.

Бироқ кадрларга нисбатан партиявийлик вазминлик билан ёндашишни қатъиян ҳимоя қилганда, биз барибир айрим ходимларнинг манфаатларини жамият ва халқ манфаатларидан юқори қўя олмаймиз. Пировард натижада биз кадрлар ишида ҳам олдимизда жуда катта юмушлар турганини, чуқур ўзгаришлар қилиш, мамлакатни оғир ҳолатдан қутқариш зарурлигини назарда тутиб, иш қилишимиз керак. Биз кадрлар муаммосини ҳал этганда шуни ёдда тутишга мажбурмиз. Шу сабабли биз кадрларга оид етилган масалаларни ҳал этишни пайсалга сола олмаймиз. Айниқса кейинги йилларда янги кишиларни кўришимиз учун имконият вужудга келди, улар ўзларининг яхши жиҳатларини намоён этдилар, қайта қуришга содиқликларини, иш юритиш, омма орасида ишлаш маҳоратини кўрсатдилар.

Ҳозир кадрлар масаласи тўғри ҳал этилган жойларда, янги кучларнинг оқиб келиши таъминланган жойларда қайта қуришнинг муваффақиятига эришилади. Бу эса, ўртоқлар, кадрлар сиёсати билан белгиланади, бу сиёсат учун КПСС мамлакат олдида, халқ олдида масъулиятни ўз зиммасига олади. Шу муносабат билан бу ўринда иш партия комитетларининг биринчи секретарларига боғлиқлигини айтишим керак. Улар бу ишда жонкуярлик билан қатнашмасалар, демократик кайфиятда иш тутмасалар, кадрлар сиёсатида янгича ёндашувларни қарор топтириб бўлмайди, буйруқбозлик ва ўзбошимчалик билан қарор қабул қилинишини барҳам топтириб бўлмайди.

Жамиятда авж олиб кетган демократиялаш жараёнлари партиядан кадрлар сиёсатида расмий-номенклатура ёндашувига, бу ишда яккаланиб қолишга, кадрлар корпусининг маҳдудлигига қатъиян чек қўйишни талаб қилади. Кадрларга оид янги қарорлар ҳадеб бир хил кишилар доирасида ўралаша бериб, янги кучларнинг оқиб келиши учун янги имкониятлар очмай, жойини ўзгартириш ва алмаштириш ҳисобига ҳал этилмаслиги керак.

Агар партия комитетлари янги кадрларни ўша бекик муҳитдан оладиган бўлсалар, улар ҳам кўп жиҳатдан ютқазишларини, ўзгараётган вазиятда муваффақиятли ҳаракат қилиш қобилиятидан маҳрум бўлишларини айтмоқ керак. Биз кадрлар корпусини ижодий кучлар билан тўлдиришимиз, партия органлари фаолиятига янги оқим бахш эта оладиган, қайта қуришнинг муваффақиятини таъминлайдиган коммунистларга йўл беришимиз керак.

Сайловда бир неча номзодлардан бирини танлаб олиш принципи кадрлар ишининг, энг қобилиятли кишиларни танлаб олишнинг самарали усул эканини кўрсатди. Марказий Комитетнинг 1987 йил январь Пленуми бу хусусда аниқ-равшан йўл-йўриқ берганлиги маълум. Бироқ, партияга бу принцип жуда суст сингиб бораётганини айтмоқ керак, ҳолбуки партия айни шу ишда бутун жамиятга намуна кўрсатиши керак эди. Ҳатто сўнгги ҳисобот ва сайловларда ҳам бошланғич партия ташкилотлари секретарларининг фақат ярмиси бир неча номзоддан танлаб олиш асосида ўтказилди, район бўғинида бундан ҳам оз, область бўғинида эса бармоқ билан санарли даражада жуда оз ўтказилди. Бу маънода Советлар, кўпгина жамоат ташкилотлари, меҳнат коллективлари партиядан анча ўзиб кетдилар. Бу ишда партия комитетларининг асоссиз, ҳатто изоҳлаш қийин бўлган қолоқлигини қатъиян бартараф қилишимиз керак — учрашувлар вақтида коммунистлар айтаётган фикр мана шундан иборат.

Яна бир муҳим мулоҳаза бор, ўртоқлар, биз одамларга фармойиш, буйруқ билан эмас, балки обрў-эътиқод билан таъсир кўрсатишимиз лозим. Партия комитетлари барча интеллектуал кучларни, коммунистлар ва партиясизлар орасидаги энг оқил кишиларни ўз теваракларига жипслаштиришлари керак. Партия комитетлари теварагида қобилиятли, замонавий тарзда фикр юритадиган ёшлар доимо «ўралашиб» юрадиган бўлишига эришиш лозим. Бу билан кадрларни табиий айирбошлаб туриш учун шароит яратилади. Бу — оддий вазифа эмас, лекин айни вақтда ғайритабиий нарса йўқ. Аксинча, ҳозирги демократик вазиятда бу ниҳоятда зарурдир.

Ўртоқлар, барча даражалардаги сайлаб қўйиладиган органларда, партия аппаратида миллий кадрлар ваколати ҳақида ғамхўрлик қилиш ғоят муҳимдир. Давлат, хўжалик органлари ва жамоат ташкилотларига нисбатан ҳам шу гапни айтиш керак. Кўп йиллар давомида бу масалага етарли эътибор

(Давоми 4-бетда).

